

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН  
БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ**



**Жабборова Зайнаб Мамасодиковна  
Жиззах политехника институти асистенти**  
*E-mail: dgpi\_info@edu.uz*

**Аннотация:** Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, Жиззах вилоятида КБХТ соҳасида ташкил этилган иш ўринлари, мазкур соҳани ривожлантириши орқали аҳолининг иш билан бандлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, тижорат фаолияти, иш билан бандлик, бозор инфратузилмаси.

**Аннотация:** В статье описывается развитие малого бизнеса и частного предпринимательства, возможности трудоустройства в Джизакской области, а также меры по повышению занятости посредством развития этого сектора.

**Ключевые слова:** малый бизнес и частное предпринимательство, коммерческая деятельность, занятость, рыночная инфраструктура.

**Кириш**

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган изчил тадбирлар, бир қатор дастурий йўналишлар кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига олиб келмоқда.

Бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик мұхитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш ва инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Натижада, 2017-2021-йиллар давомида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг - Бизнес юритиш йиллик ҳисоботида. Ўзбекистон Республикасининг рейтинги 2 баравардан ортиқ яхшиланиб, мамлакатимиз жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 2012 йилдаги 166-ўриндан 2017 йилда 74-ўринга кўтарилиди. Шу билан бирга 2017 йилда бизнес юритиш учун энг қулай ишбилармонлик мұхитини яратиш кўрсаткичи бўйича ислоҳотчи мамлакатларнинг биринчи ўнталигидан жой олди [1,218].

Академик Қ.Х.Абдурахмоновнинг эътироф этишича “Мамлакатда фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратилиб инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишининг ҳуқуқий кафолатлари ва улар фаолиятига ноқонуний аралashiшларнинг олдини олиш механизмлари такомиллаштирилмоқда” [2,475].

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолият жараёнини таҳлил этиш ва бу борадаги муаммоларини аниқлаш долзарб аҳамият касб этганлиги боис, уни илмий - назарий ўрганиш ва келажакда янада һивожлантиришга бағишиланган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

“Тадбиркорлик” атамаси дастлаб қадимги юонон ҳуқуқида “тижорат фаолияти” деб тушунилган. Методологик нұқтаи назардан мазкур атамани ҳаётга тадбиқ этган француз иқтисодчиси Р.Кантильон ҳисобланган (француз тилидан “тадбиркорлик” воситачи деб таржима қилинади) [3,125]

Тадбиркорликни ташкил этилишининг назарий жиҳатлари хориж олимларидан А.Смит, И.Шумпетер, Ф.Хайеклар томонидан тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонлик олимлардан С.Ғуломов, Қ. Абдураҳмонов, М.Р.Болтабоев, А.Вахабов, Б.Х.Умурзаков, З.Я.Худойбердиев, Г.Қ.Абдураҳмонова, Т.Маликов, О.Рашидов, М.С.Қосимова Н.Ҳайдаров, Қ.Муфтайдиновлар томонидан мазкур муаммонинг илмий-амалий жиҳатлари, уларни баҳолаш муаммолари таҳлил қилинган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тушунчалари бир-бирига яқин бўлсада, моҳияттан бу тушунчалар бир хил мазмунни ифодаламайди. Тадбиркорлик - бу иқтисодий фаолиятни самарали ташкил этиш, унинг рентабеллигини ошириш ва хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришда хўжалик юритишнинг анъанавий усусларидан фойдаланган ҳолда, ресурслардан максималл даражада самара олишга йўналтирилган фаолият туридир. Кичик бизнес эса тадбиркорлик шаклларидан бири сифатида намоён бўлади ҳамда алоҳида тадбиркорни рағбатлантиришнинг бирмунча оддий ва янада самаралироқ тизимиға эга бўлиб, қўшимча уриниш ва ҳаракатларни рағбатлантиради ва ишдаги камиликларни бартараф этади.

Иқтисодчи олима Г.Қ. Абдураҳмонованинг эътироф этишича “Илмий адабиётларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик моҳиятига ёндашишда асосан унинг миқдор кўрсаткичлари - иш билан банд бўлган ходимлар сони, низом жамғармаси ва активларига олинадиган фойда ҳажмига эътибор қаратиб келинади. Аммо, кичик бизнеснинг миқдор кўрсаткичларига қараганда унинг сифат хусусиятлари - кичик бизнеснинг бозор иқтисодиётининг асоси, рақобат мұхитини шакллантирувчи энг мұхим субъектлиги, бозорда бир турдаги маҳсулот ва хизматларга табақалашган нархни шакллантиришга қодирлиги ва бошқалар мұхим” [4,16].

Бошқа олимларнинг фикрича табиркорлик ва уни баҳолаш бўйича услубий хилма-хилликлар унинг жамиятда тутган ўрнини турлича баҳолашга асос бўлмоқда. Буларни бир тизимга келтириб хулоса қилинса, эркин тадбиркорлик шахсий ташаббусга асосланган, ўз мол-мулки ҳисобидан юқори даромад олишдан манфаатдор ва унинг хавф-хатарига бардошли, ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган, қонун доирасида фаолият юритадиган, бозор хўжалигини ташкил этиш ва бошқаришнинг мұстақил фаолият тури ҳисобланади [5,36].

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, ривожланиши, ўзига хос хусусиятлари ва унда аҳоли иш билан бандлигини аниқлаш бўйича ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди. Иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиш омилларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши жараёнида аҳоли иш билан бандлигининг ошиб бориши ва бу кўрсаткичларнинг ҳудудлардаги ўзгаришини солиштирма таҳлил қилиш, шу асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқиши билан белгиланади.

### **Таҳлил ва натижалар**

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши ортиб бормоқда, у иқтисодиётдаги етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг мухим омилига айланайтгани алоҳида аҳамият касб этади.

Расмий статистик маълумотларга кўра ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 218,2 минг кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг 56,9 фоизи тўғри келади, улар меҳнатга лаёқатли аҳолининг 78,2 фоизини иш билан таъминламоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда аҳоли иш билан бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида инновацион, ноанъанавий иш жойларини кўпайтириш меҳнат бозорини барқарорлаштириш имкониятларини янада кейгайтиради.

Кичик бизнес ривожи учун яратилаётган шарт-шароитлар ва қўллаб-қувватлаш механизmlари самарали ишлабтганлиги сабабли аҳолининг ишбилармонлик қобилияти кенгайиши, тадбиркорлик ташаббуслари ортиши кузатилмоқда. Натижада, иш билан банд аҳолининг аксарият қисми айнан кичик бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда. КБХТ ривожига кенг йўл очиб берилганлиги аҳоли бандлигининг ошиши ва даромадлари ўсишида барқарорлигини таъминловчи кафолат воситаларидан бирига айланди (қаранг 1 -жадвал). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда КБХТ ни янада ривожлантириш орқали аҳоли иш билан бандлигини таъминлаш бўйича муйян ишлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 2018 йилда 32127 та ўрин ажратилган бўлиб, унинг энг кўп улуши (56,2 фоизи) кичик корхона ва микро фирмаларни ташкил қилиш ҳисобига ташкил этилган иш ўринларига тўғри келган.

Жиззах вилоятининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари йиллик ўсиш суръатини таҳлил қиласиган бўлсақ, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларига нисбатан ўртача кўрсаткич даражасида ўсиш суръатлари кузатилаётганлигини кўришимиз мумкин. Вилоятда 2010 йилдан буён ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробар ўсиб, кейинги беш йилда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,9 марта кўпайиб,

ялпи ҳудудий маҳсулотда унинг улуши 18,3 % дан 21,8 % га етгани ана шундай амалий ишлар натижасидир.

**1-жадвал**

**Жиззах вилоятида ташкил этилган иш ўринлари сонининг  
ўзгариши\* (ўрин)**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2005</b>	<b>2007</b>	<b>2010</b>	<b>2012</b>	<b>2015</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>
Ташкил қилинган иш ўринлари сони,	26 810	28556	43534	43941	44048	44090	38160
Янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янгидан жиҳозлаш ҳисобига	3 141	2630	3872	2373	7651	6387	5265
<b>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда, шундан</b>	<b>23669</b>	<b>24041</b>	<b>27216</b>	<b>28328</b>	<b>36397</b>	<b>32229</b>	<b>32127</b>
Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига	4 905	4933	6529	7044	11318	18131	17398
Фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига	7 475	3202	6022	4721	6577	5431	5183
Деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига	5 278	7034	5219	4509	4721	4207	4111
Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига	6 011	8872	9446	12054	13781	4460	5435

\*Жиззах вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали ЯИМдаги улушини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 10190 тага етди. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги улуши 63,9 % (ўтган йилнинг шу даврига 63,7 %), саноатда 65,0 % (54,9 %), қишлоқ хўжалигида 99,9 % (98,8 %), инвестициялар 64,9 % (63,2 %), қурилиш ишлари 95,4 % (94,6 %), чакана савдо 89,3 % (87,8 %)ни ташкил этди [6].

Тижорат банклари томонидан 2018 йилнинг 6 ойи мобайнида КБХТ ни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун 304 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Бу маблағларнинг 59,1 млрд. сўми саноат соҳасига, 101,5 млрд. сўми қишлоқ хўжалигига, 52,4 млрд. сўми савдо-сотиқ ва айланма маблағларни тўлдиришга, 26,3 млрд. сўми қурилиш бунёдкорлик ишларига, 35,8 млрд. сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ва 25 млрд. сўми бошқа соҳаларга ажратилди.

Жиззах вилояти бўйича аҳоли бандлигида кичик бизнеснинг улуши 81,9 % ва амалга оширилган экспорти таркибида ҳам кичик бизнеснинг улуши ошиб бормоқда. Вилоят үмумий экспортидаги кичик бизнеснинг улуши 89,4 % ни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 87,9 %) ташкил этиб, 101,9 % га ўсишга эришилди.

### **Хулоса ва таклифлар**

Ўзбекистонда модернизациялаш ва инновацион ислоҳотлар шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши иқтисодиёт ўсишининг асосий пойдевори ҳисобланади. Чунки иқтисодиётдаги ислоҳотлар жараёни ишлаб чиқариш таркибининг маълум даражадаги нисбати фаолият турини танлашга, бозордаги ўзгаришларга тезлик билан ўз фаолиятини ташкил этишга мойилликни шакллантириб боради. Шу ўринда КБХТ ривожлантиришнинг ижтимоий жиҳатлари сиёсий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишсизлик даражасини пасайтиришга хизмат қилиши, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг иш билан банд бўлишларидаги қулайлиги, айниқса ёшлар орасида иқтисодий жиҳатдан камол топишга йўналтириш нуқтаи назаридан ўзига хос ўрин эгаллади.

Бу борада ютуқлар билан биргаликда бир қатор муаммолар ҳам мавжуд: жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда банк кредитларининг ажратилиши кечикирилиши иш фаолиятининг бажарилишини кечикирилмоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини йирик корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан корпоратив тизимли алоқаларни ўрнатиш механизmlари тизимли йўлга қўйилмаган. Бундан ташқари маҳаллий ҳокимият органларининг кичик бизнес вакиллари билан ўзаро алоқалари етарли йўлга қўйилмаганлиги ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолининг иш билан бандлигини ошириш учун қўйидаги чора-тадбирларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- КБХТ соҳасига инвестициялар, шу жумладан чет эл инвестицияларини жалб этишни янада ошириш;
- Мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини кенгайтириш ва ривожлантириш;
- Аҳолининг айниқса ёшларнинг тадбиркорлик ташабbusларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастури доирасида аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш учун “Маҳалла-Оила-Ҳокимият” тузилмаларининг тизимли ишлашига шарт-шароитлар яратиш.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишиланган илмий-оммабоп қўлланма. Т.: 2019, -218 б.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт. Дарслик.-Т.: ЎзР ФА “Fan”, 2019. – 475 б.
3. Предпринимательство: Учебник для ВУЗов Под. Ред.В.Я.Гординкеля, Г.Б.Поляка, Швандара. –М.: ЮНИТИ, 1999.
4. Абдураҳмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамоиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. И.ф.д.диссертация автореферати. 2016.16 б.
5. Сирожиддинов И., Ҳожибоева И. Ҳудудларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш. Иқтисодиёт ва таълим. Т.: 2017 № 4, 36 б.
6. Жиззах вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.